

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ: ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА РИВОЖЛАНИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Абдували Абдурахимович ИСАДЖАНОВ
иқтисод фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси
Тошкент, Ўзбекистон
isadjanov@inbox.ru

Аннотация

Мақолада зиёрат туризмни ривожлантириш хусусиятлари, қўллаб-қувватлаш механизми, COVID-19 пандемия оқибатлари, Глобал мусулмон саёҳат индекси рейтинги прогнозлари асосида саёҳат саноатининг ўсиши ва ривожланиши таҳлил этилган, COVID-19 пандемиясининг глобал сайёҳлик саноатига таъсири ўрганилган, зиёратгоҳларни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш борасида чора-тадбирлар асослаб берилган.

Таянч сўзлар: зиёрат туризми, глобал мусулмон саёҳат индекси рейтинги, COVID-19 пандемияси, мусулмон саёҳат бозори, прогноз.

ПАЛОЧНИЧЕСКИЙ ТУРИЗМ: ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ В ПОСТПАНДЕМИЙНЫЙ ПЕРИОД

Абдували Абдурахимович ИСАДЖАНОВ
доктор экономических наук, доцент
Международная Исламская Академия Узбекистана
Ташкент, Узбекистан
isadjanov@inbox.ru

Аннотация

В статье рассматриваются особенности развития паломнического туризма, механизм его поддержки, последствия пандемии COVID-19, а также на основе прогнозов рейтинга Глобального индекса мусульманских путешествий анализируется рост и развитие паломнической индустрии, изучено влияние пандемии COVID-19 на глобальную туристическую индустрию, обоснованы меры по разработке модели развития паломнических мест.

Ключевые слова: паломнический туризм, рейтинг Глобального индекса мусульманских путешествий, пандемия COVID-19, мусульманский рынок путешествий, прогноз.

2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси қулай иқтисодий шароитлар ва омилларни яратиш бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини ошириш туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни

белгилаш унинг иқтисодиётдаги ўрни ва улушни ошириш хизматларни диверсификациялаш ва уларнинг сифатини ошириш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштиришга қаратилган [3].

Ўзбекистон туризм соҳасининг ривожланиш хусусиятлари ва устувор йўналишлари, баъзи муслмон мамлакатлари бозорларида харид қобилияти ўсиб бориши ва янги харидорлар сонининг ортиши туфайли моддий жиҳатдан фаровон бўлган ўрта синф шаклланиши натижасида зиёрат туризми ривожланиб бормоқда [6].

Мамлакатимиз ўзининг муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлари билан машҳур. Кўплаб зиёратгоҳлар Ўзбекистон тарихи ва маданиятида ўчмас из қолдирган машҳур кишиларнинг номлари билан узвий боғлиқ.

Тошкент шаҳрида "Ҳазрати Имом", "Шайх Ҳованд Тохур", "Сузук ота" мажмуалари, Тошкент вилоятида "Зангиота" ёдгорлик мажмуаси, "Юнус ота" ва "Заркент ота" зиёратгоҳлари, Самарқанд шаҳрида "Шоҳи Зинда" ёдгорлик мажмуаси, "Имом Мотуридий" ва "Бурҳониддин Марғилоний" зиёратгоҳлари, "Хўжа Дониёр" ва "Ҳазрати Хизр" мажмуалари кўплаб зиёратчиларни жалб қилиб келмоқда. Фарғона вилоятидаги мавжуд XVIII аср охири – XX аср бошларига мансуб масжид ва мадрасаларнинг асосий қисми ҳам айнан муқаддас қадамжолар сирасига киради [5].

Мамлакатимизда 7,4 минг маданий мерос объектлари мавжуд, шу жумладан, тўртта музей шаҳарлар – "Хива шаҳридаги Ичан қалъа", "Бухоро шаҳрининг тарихий маркази", "Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий маркази", "Самарқанд шаҳри" ҳудудида жойлашган бўлиб, ЮНЕСКО бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Муқаддас жойларга зиёрат қилиш туризмнинг энг қадимги тури ҳисобланади ҳамда географик, маданий ва цивилизация уфқларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда [8].

Зиёрат туризми глобал туризмнинг энг тез ривожланаётган турларига киради. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) маълумотларига кўра, ҳар йили 330 миллионга яқин киши диний ва когнитив саёҳатларга боради ва улар дунё

бўйлаб йирик зиёрат марказларига ташриф буюришди.

Зиёратгоҳларни тарғиб қилиш зиёрат йўллари бўйлаб саёҳатларнинг янгиланиши, янги зиёрат йўналишларининг пайдо бўлиши, транспорт инфратузулмасининг ривожланиши ва зиёрат марказларида туризм инфратузилмасини кенгайтириш омиллари зиёрат туризмнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Зиёрат туризмни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги “Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштиришишларини самарали ташкил этиш тўғрисида” ги 120- сон қарори қабул қилинди [4].

Қарор муқаддас масканларни сақлаш ва қадрлаш халқимиз онгида аждодлар хотирасига ҳурмат-эҳтиром туйғуларини шакллантириш билан бирга, ҳар бир қадамжо ва зиёратгоҳни ободонлаштириш янада файзли, тароватли гўшага айлантириш ва бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатда туризмни миллий иқтисодийнинг стратегик тармоқларидан бири сифатида ривожлантириш мақсадида соҳада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Аммо, COVID-19 пандемия оқибатлари натижасида ушбу соҳада охириги йилларда туристик оқимлар камайди, иқтисодий ўсиш суръатлари пасайди. 2020 йил март ойида ўтган йилнинг ушбу ойига нисбатан хорижий туристлар ташрифи 57,2 фоизга камайди ва туроператорларнинг 81 фоизи ўз фаолиятини тўхтатиб туришга мажбур бўлди [7].

2020 йил 31 октябр ҳолатига кўра эса, SARS-CoV-2 коронавирусини келтириб чиқарадиган глобал пандемия дунёнинг 190 мамлакати ва 45 миллиондан ортиқ одамни қамраб олган. Пандемиянинг оқибатлари бутун дунё бўйлаб иқтисодий, таълим, соғлиқни сақлаш дин, маданият, туризм спорт ва ижтимоий-психологик хатти-ҳаракатларга катта таъсир кўрсатмоқда.

COVID-19 нафақат зиёратчилар оқимига, авиарейслар ва

меҳмонхоналар тизимига, шу жумладан, насронийларнинг муқаддас ҳафталиги (Рим), Умра ва Хаж зиёратлари (Саудия Арабистони), Рамазон бозори (Индонезия), Royal Maundy Money Service (Буюк Британия) каби мега тадбирларни бекор қилиш ёки тўхтатилишига сабабчи бўлди.

Мамлакатлар ўз аҳолисини қаттиқ карантинга қўйиб, ҳаво майдонларини ва чегараларини ёпишларига олиб келди. 2020 йил 28 апрель ҳолатига кўра, энг кўп ўлим ҳолатлари бўйича АҚШ (56 821), Италия (26 977), Испания (23 822), Франция (23 293) Буюк Британия (21 092) ва Бельгия (7 331) ўрин олди [9].

2021 йилда эълон қилинган “Глобал мусулмон саёҳат индекси рейтинги (Rating Global Muslim Travel Index- GMTI) башоратида Covid-19 пандемиясининг глобал сайёҳлик саноатига таъсири батафсил баён этилган ва мусулмон саёҳатчилар учун энг яхши йўналишлар рўйхати келтирилган.

Global Muslim Travel Index (GMTI) – бу глобал миқёсда руҳсат этилган саёҳат саноатининг ўсиши ва ривожланишини ўлчайдиган ва кузатувчи индекс ҳисобланади. Бутун дунё бўйлаб мусулмонлар учун қулай бўлган йўналишлар GMTI бўйича тартибланган бўлиб, у руҳсат этилган мусулмон туризми тушунчасига нисбатан саёҳатга қулайлик ва табиатга мос туризми ўлчайдиган ва кўрсатувчи омиллар тўпламидан иборат. GMTI алоқа, атроф-муҳит ва хизматлар каби омиллардан иборат [10].

Транспорт инфратузулмаси, рақамланиш даражаси, қулай иқлим ва ноёб тажриба индекслари 2018 йилда GMTI рейтингига киритилиб, ҳар йили янгиланиб туради.

Аста-секин бўлса-да, дунё яна очила бошлагач, GMTI асосчиси ва бош директори Фазал Баҳардин (Fazal Bahardeen) эҳтиёткорлик билан Covid вакцинасини саёҳатга таъсир қилувчи энг ижобий омил сифатида таъкидлади. Мусулмон саёҳат бозори 2023 йил ўрталарига келиб 2019 йилга нисбатан 80 фоизга етиши башорат қилинмоқда [11].

Пандемия таъсирида вужудга келган мазкур ҳолатни юмшатиш туризм соҳаси субъектларини пандемия шароитида қўллаб-қувватлаш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5969-сон Фармониغا асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, 10 трлн. сўм миқдоридagi Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, унинг маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари сифатида коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш бўйича қуйидаги тадбирларни молиялаштиришга қаратилди:

даволаш ва бошқа муассасаларни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун зарур дори воситалари ва тиббий буюмлар, ҳимоя воситалари ва тест тизимлари билан таъминлаш

хавф-хатар остида бўлган ёки вирус юқтирганлар билан мулоқотда бўлган шахсларни карантинда сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш

коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда ишгирик этиётган тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш республика санитария-эпидемиология хизмати томонидан ҳимоя чораларини амалга ошириш харажатлари учун қўшимча маблағлар ажратиш ҳамда юқумли касалликларни аниқлаш профилактика қилиш ва даволаш бўйича тадбирларга жалб этилган даволаш ва бошқа муассасаларни қуриш таъмирлаш реконструкция қилиш ва жиҳозлаш белгиланди [1].

Натижада, пандемия даврида юзага келган ҳолатларнинг туризм соҳаси субъектларига бўлган салбий таъсирларини юмшатиш уларнинг барқарорлигини ва соҳада иш ўрнини сақлаб қолишни таъминлаш бўйича биринчи навбатдаги зарурий чоралар кўрилди.

Шу билан бирга, кун тартибда турган эндиги муҳим вазифалардан бири инқироздан кейин пандемиянинг салбий оқибатларини самарали бартараф этиш ва тикланиш йўналишларини белгилаб олиш ҳамда зиёрат туризм соҳасини барқарор ривожланишини таъминлаш ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистонда туризм соҳасини тубдан ислоҳ қилиш миллий

иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик йўналишига айлантириш ва унинг диверсификация ва ҳудудларни жадал ривожланишини таъминлаш борасида устувор вазифалар сифатида белгиланган. Ушбу жиҳатларини эътиборга олган ҳолда республикада зиёрат туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган зиёрат туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш уларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш мақбул ва қулай ички ва халқаро зиёрат туризми муҳитини яратиш транспорт йўналишларини кенгайтириш транспорт хизматлари сифатини ошириш зиёрат туризм маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш шунингдек, мамлакатимизнинг саёҳат ва дамолиш учун хавфсиз манзил сифатидаги имижини мустаҳкамлаш муҳимдир.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралда тегишли фармони қабул қилинди. Унда бир қатор имгиёз ва преференциялар белгиланди. “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш учун харажатларнинг бир қисмини қайтариш тартиби жорий қилиниши эътироф этилди.

2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешга устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» да амалга оширишга оид давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралда эса ПФ-6155-сонли Фармони қабул қилинди [2].

Фармонда 2021 йил 1 мартдан 2022 йил 1 июнга қадар ички туризмни оммалаштириш доирасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш учун қуйидаги харажатларнинг бир қисмини қайтариш механизми жорий қилинди:

авиаташувчиларга — ички туризм йўналишларидаги авиақатновларда авиа чипта нархининг 25 фоизи;

туроператор ва турагентларга — Ўзбекистон Республикасида дрімий яшовчи фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун ташкил этилган

турлар юзасидан авиа ва темир йўл чипталари нархининг 15 фоизи ҳамда жойлашгириш воситаларининг жойлашгириш бўйича хизматлари (меҳмонхона хизматлари) нархининг 10 фоизи.

Бунда, ушбу харажатларнинг бир қисмини қайтариш саёҳат амалга оширилган ҳудудлардаги жойлашгириш воситаларида камида бир кеча тунаб қолиш шарт билан тақдим этилди.

Шу билан бирга, COVID-19 пандемияси даврида зиёратгоҳларни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга бўлиб, бир нечта омилларга риоя қилиш назарда тутилади: ҳавфсизлик кафолати, қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорлик тизмини шакллантириш ва ривожлантириш инсон капитали ва тадбиркорлик даражасининг ошишини таъминлаш инновациялар ва ахборот-коммуникация технологияларни ривожлантириш [12]. Бирламчи омил – зиёратчиларнинг зиёратгоҳга бориши ва зиёратгоҳ ҳудудида ҳавфсизлик кафолатини таъминлаш Шу муносабат билан зиёратчилар ва зиёратгоҳлар аҳолиси учун ҳавфсиз жойни таъминлаш мақсадида зиёрат ташкилотчилари ва зиёратгоҳлар маъмурияти ва ходимлари томонидан қатъий профилактика чораларини кўришлари зарур. Демак, зиёратгоҳлардаги зиёрат ва сайёҳлик объектларида санитария ҳавфсизлигини таъминлаш зарур. Муқаддас жойнинг белгиланган зонасида ва унинг марказида (зиёратгоҳида) бир вақтнинг ўзида бўладиган одамлар сонига чеклов қўйилиши лозим

БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) инсон капитали глобал туризмни ривожлантириш учун зарур бўлишини таъкидлайди. Зиёратгоҳлар ва зиёратгоҳлар туризмни ривожлантириш учун ҳам инсон ресурсларини кўпайтириш керак бўлади.

Шу боис зиёратчиларга хизмат кўрсатиш ва туризм соҳасида ўз малакасини оширишга интиладиган, тадбиркорлик билан шуғулланадиган юқори малакали кадрларга янада катта эътибор қаратиш лозим Зиёратгоҳ раҳбарлари ҳам, зиёратгоҳлар ходимлари ҳам ўз мақсадлари йўлида қатъиятлилик ва мослашувчанлик, ички давралар ва атрофдагилар билан ҳамкорликда ишлаш доимий ўзгаришлар даврида оптимал қарорлар қабул

қилишда тегишли кўникма ва билимларга эга бўлиши лозим

Инновация, янги ғоялар, ечимлар ва лойиҳаларни излаш уларни амалга ошириш кузатиш ва тўғри хулосалар чиқариш тегишли профилактика чораларини кўриш COVID-19дан кейинги даврда зиёратгоҳларни ривожлантиришда муваффақиятга эришишнинг асосий омиллари сифатида кўриш мумкин.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 март ПФ-5969-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4770761>

2. «Ёшларни кўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 феврал ПФ-6155-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5260791>

3. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси [https://nrm.uz/content/?doc=574188_2019-025_yillarda_o%20%80%98zbekiston_respublikasida_turizm_sohasini_rivojlantirish_konceptiyasi_\(o%20%80%98zr_prezidentining_05_01_2019_y_pf-5611-son_farmoniga_1-ilova\)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana](https://nrm.uz/content/?doc=574188_2019-025_yillarda_o%20%80%98zbekiston_respublikasida_turizm_sohasini_rivojlantirish_konceptiyasi_(o%20%80%98zr_prezidentining_05_01_2019_y_pf-5611-son_farmoniga_1-ilova)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana).

4. Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 феврал 120-сон Қарори. <https://www.lex.uz/docs/3560605>

5. Абдулаҳатов Н., Жўрабоева У. Муқаддас қадамжолар. <http://uzbegim.us/?p=5417>

6. Исаджанов А.А. Зиёрат туризми: хусусиятлари ва ривожланиш тенденциялари // Исломтафаккури (махсус сон), 2021. – № 1. – Б.23-28.

7. Холбадалов Ў.Ш. Covid-19 пандемиясининг туризмга бўлган таъсири ва уни бартараф этиш йўллари // Молия ва Банк иши. (электрон илмий журнал). Пандемия ва иқтисодиёт (махсус сон), 2020. – №2. – Б.345- 357.

8. Apollo, M, Wengel, Y., Schänzel, H., & Musa, G. (2020). Hinduism, ecological conservation and public health: what are the health hazards for religious tourists at hindu temples? *Religions*, 11, 416.
<https://www.mdpi.com/2077-1444/11/8/416>

9. Korstanje, Maximiliano E. (2020) "The Impact of Coronavirus on Religious Tourism: Is this the End of Pilgrimage?," *International Journal of Religious Tourism and Pilgrimage*: Vol. 8: Iss. 7, Article 4. Available at: <https://arrow.tudublin.ie/ijrtp/vol8/iss7/4>

10. Salam Standard. The Global Economic Impact of Muslim Tourism, 2015/2016, Annual Report 2015/2016. Available from: <http://www.webintravel.com/wp/content/uploads/2016/12/SalamStandard/Global/Economic/Impact/of/Muslim/Tourism/2015>.

11. Sainudeen Nisthar, Abdul Majeed Mohamed Mustafa. An Econometric Analysis of Global Muslim Travel Index: A Study on the Perspectives of Permitted Tourism Industry in the Global Context. <https://www.researchgate.net/publication/335594118>

12. Franciszek Mroz. The Impact of COVID-19 on Pilgrimages and Religious Tourism in Europe During the First Six Months of the Pandemic. // *Journal of Religion and Health*. 2021. 60:625-645
<https://doi.org/10.1007/s10943-021-01201-0>